


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A410102-Агрокимё магистратура мутахассислигининг малака
талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети;
- Ўзагрокимёхимоя АЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

| Т/п | | бет |
|--------|--|-----|
| 1. | <i>5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислигининг умумий таснифи</i> | 4 |
| 1.1. | Кўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. | <i>5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.....</i> | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. | <i>5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи</i> | 4 |
| 1.2.1. | <i>5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i> | 4 |
| 1.2.2. | <i>5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i> | 5 |
| 1.2.3. | <i>5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i> | 5 |
| 1.2.4. | <i>5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i> | 5 |
| 2. | <i>5A410102–Агрокимё таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....</i> | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар..... | 7 |
| 2.3 | Касбий квалификациялар..... | 8 |
| 3. | <i>5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар.....</i> | 8 |
| 3.1. | <i>5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фандастурларига кўйиладиган умумий талаблар.....</i> | 8 |
| 3.2. | <i>5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i> | 9 |
| | Библиографик маълумотлар..... | 11 |

1. 5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий мuddати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5A410102–Агрокимё** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаши, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги – тупроқ унумдорлигини саклаш, ошириш, экинларнинг озиқланиши, минерал ва органик ўғитлардан самаради фойдаланиш, ўғитлар ва ҳосилдорликни оширадиган бошка кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этишини камраб олади.

1.2.2. 5A410102–Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:

- тупроқ, ўсимлик ва ўғитлар;
- тупроқ микрофлораси ва микрофаунаси;
- тупроқ хариталари, агрокимёвий хаританомалар;
- тупроқларнинг агрокимёвий хусусиятлари;
- тупроқларни муҳофаза қилиш жараёнлари;
- қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган ўғитларни саклаш, ташиш ва қўллаш жараёнлари;
- агрокимёвий ҳизмати;
- ўкув жараёни;

- илмий-тадқиқот жараёни.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот фаолияти;

- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;

- лойиҳавий-хариталаш ва ерларни баҳолаш фаолияти;

- сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолияти;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

- консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

1.2.4. 5A410102-Агрокимё мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A410102-Агрокимё мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битиравчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолияти:

- илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;

- муайян майдон тупроқларини агрокимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича намунавий услублар асосида илмий изланишлар олиб бориш;

- тупроқ хариталари ва агрокимёвий хаританомаларни тузиш ва улардан фойдаланиш;

- экинларнинг озиқланиши, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш;

- ўғитлар ва ҳосилдорликни оширадиган бошқа воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳини ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;

- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига маколаларни тайёрлаш;

- инновацион кўргазмаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш;

- агрокимё соҳасида патентлар олиш бўйича буюртмалар тайёрлаш;

- инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқарип ва бошқа тузилмаларда ишлаш;

-тупроқлар унумдорлигини тиклаш, саклаш ва оширишни режалаштириш ҳамда жорий қилиш;

- ўғитлардан оқилона фойдаланиш;

- ийрик масштабли хариталар ҳамда хаританомаларни тузиш ва бошқарип;

-минерал ва органик ўғитларни қўллашни назорат қилиш.

-ер ресурсларини эрозия, шўрланиш, ботқоқланиш, захарланиш, зичлашиш, дегумификация каби жараёнлардан саклаш;

- ўғитлар, ўсишни ростловчи препаратлари, кимёвий химоя воситаларининг янги турларини жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган тупроқ экспертизалирида қатнашиш;

- муайян тупроқ-иклим шароитларида ўғит қўллаш технологиясини замонавий хизматини ташкил этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-хариталаш ва ерларни баҳолаш фаолияти:

- лойиҳалаш институтларида ишлаш;

- лойиҳа-қидирув ишларини олиб бориш ва бошқа ишлар;

- тупроқларнинг харакатчан фосфор, алмашинувчан калий ва гумус билан таъминланганлиги бўйича агрокимёвий хаританомаларни тузиш;
- ерларни баҳолаш йўрикномалар бўйича балл бонитетини белгилаш;
- тупроқлар унумдорлигини оширишнинг агрокимёвий ва агромелиоратив тадбирларини ишлаб чиқиши **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиш;
- тегишли соҳа бўйича сервис хизмати кўрсатиш;
- ўғит сифатини аниқлашда чет эл ва ватанимизда қўлланиладиган усуллари ҳамда асбобларидан фойдаланиш;
- лойиҳа тузишда ИКТ ва компьютер техникасидан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;
- ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-иедагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари агрокимё бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширишда ўғитлар ва кимёвий воситалардан оқилона фойдаланишни ва тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича фермер хўжаликлари ва шахсий томорка эгаларига маслаҳат бериши;
- агрокимёда инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тузиши;
- агрокимё соҳасида илгор тажрибалар ва фан ютуқлари тўғрисидан маълумотлар излаши ва уларни умумлаштириши ҳамда оммалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

2. 5A410102-Агрокимё таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисадий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда таш7кил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш;
- муайян майдон тупроқларини агрокимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича намунавий услублар асосида илмий изланишлар олиб боришни билиш;
- тупроқ хариталари ва агрокимёвий хаританомаларни тузиш ва улардан фойдаланишини билиш;
- экинларнинг озиқланиши, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш;
- ўғитлар ва ҳосилдорликни оширадиган кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этиш;
- агрокимё соҳасида патентлар олиш бўйича буюртмалар тайёрлашни билиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш ва бошқа тузилмаларда ишлаш;
- минерал ва органик ўғитларни кўллашни назорат қилиш.

- кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришувчиларининг буюртмаларини умумлаштириш йўли оркали минерал ўғитларга бўлган талабнинг ҳар йилги прогнозларини шакллантиришда иштирок этиш, минерал ўғитларни таксимланишининг ҳар йилги балансларини ишлаб чиқиш;

- белгиланган назорат ва сигнал майдонларда агрокимё картограммаларни тузган холда, тупроқ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидағи оғир металлар, тузлар, пестицидлар ва чуқинди қолдиқлар тўпланган радионуклиидларни таҳлил қилишни билиш;

- лойиха-қидирав ишларини олиб бориш ва бошқа ишларни билиш;

- тупроқларнинг харакатчан фосфор, алмашинувчан калий ва гумус билан таъминланганлиги бўйича агрокимёвий хаританомаларни тузишни билиш;

- ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш бўйича кўникмага эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни билиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этишни билиш;

2.3. Касбий квалификациялар:

Агрокимёгар, тупроқшунос, тупроқшунос геоботаник, тупроқ хариталари ва агрохимкартограммаларни тузувчи, илмий-педагог, техник-тупроқшунос, агроном, муҳандис-картограф, ерларни балл бонитетини аниқловчи, ер ўлчовчи, ер-кадастри, тупроқ бонитировкаси, биогиокимёгар, мелиоратор, агрокимёгар экспериментатор, агрозоолог, агрокимёвий сервис хизматчиси, ўғитлар кимё-технологи, ўсимликлар ва тупроқ кимё-технологи, тупроқ биологи, тупроқ агрофизики, тупроқ иклимишуноси, ҳимояланган жой агрокимёгари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги уруғчилиги техник назоратчиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат қилиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A410102–Агрокимё магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Умумметодологик фанлар блоки:

миллий ғоя Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси бўйича билимлар берилиши; илмий ижод ва тадқиқот методологиясининг аослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, илмий қонунлар ва қоидалар мантифи, асослаш ва таҳлил қилиш, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;

педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, нутқ маданияти асослари, таълимнинг тамойиллари ва замонавий усуллари юзасидан асосий билимларни таъминлаши;

мутахассисликка доир бошқа долзарб илмий, илмий-методологик, илмий-техник ахборот ва билимларни, кўникма ва ўқувларини шакллантириши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши.

Мутахассислик фанлари блоки:

•муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;

•мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

•магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўкув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Танлов фанлари блоки:

Мутахассислик фанларини ўқитиш услуби билими билан таъминлаш; Магистрантларни истеъмолчилар ва бошқаларнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мутахассислик фанларнинг замонавий техника ва технологиялар бўйича эришган ютуклари бўйича қўшимча маълумотлар билан таъминлаш.

Илмий фаолият блоки: илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши; ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютукларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш ўкуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

фан, агарар соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Стажировка илмий тадқиқот ишлари такозо этганида индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

3.2. 5A410102 – Агрокимё магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фандастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ўқишиңинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўкув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Үқув даврининг умумий ҳажми қуидагида тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Үқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* |
|-------------------------------------|-----------------------------|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 54% |
| <i>Шу жумладан, мустақил таълим</i> | - |
| Аттестациялар | 9% |
| Таътиллар | 18% |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 19% |

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

агрокимё, касб фаолияти, магистратура, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кадрларга талаб, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.

5A410102-Агрокимё магистратура мутахассислиги дастурининг тузилиши

| Т.р. | Фанлар блоклари ва блокларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|-------------|--|---|
| 1.00 | Умумметодологик фанлари | 240 |
| 1.01 | Илмий-тадқиқот методологияси | 60 |
| 1.02 | Махсус фанларни ўқитиш методикаси | 60 |
| 1.03 | Амалий хорижий тил | 120 |
| 2.00 | Мутахассислик фанлари | 930 |
| 2.01 | Агрокимёда илмий-тадқиқот услублари | 150 |
| 2.02 | Ўсимликлар минерал озиқланишининг физиологик асослари | 150 |
| 2.03 | Агрокимёвий хаританомалар тузиш ва улардан фойдаланиш | 210 |
| 2.04 | Агрокимёнинг назарий асослари ва замонавий муаммолари | 210 |
| 2.05 | Тупроқшунослик ва агрокимёда барқарор ривожланиш | 210 |
| 2.00 | Танлов фанлари | 630 |
| | Жами: | 1800 |
| 3.00 | Илмий фаолият | 1800 |
| 3.01 | Илмий-тадқиқотиши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 780 |
| 3.02 | Илмий семинар | 180 |
| 3.03 | Илмий-педагогик иш | 360 |
| 3.04 | Илмий амалиёт (стажировка) | 480 |
| | ЖАМИ: | 3600 |
| 5.00 | Аттестациялар | 540 |
| | ҲАММАСИ: | 4140 |

Ўқув ишлар бўйича проректор

С.Я.Исламов



Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграв университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

М.Ү.




20~~10~~ йил «20» июн

КЕЛИШИЛГАН:

Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
татбиқ этиш маркази


Директори

 З.Хакимов

М.Ү.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий
тадқиқот институти

Директори

 О.Бобомуродов

М.Ү.



20~~10~~ йил «30» июн

Давергөодезкадастр қўмитаси
кошидаги “Тупроқ таркиби ва
репозиторийси, сифати таҳлил
маркази” ДУК бош


Директори

 О.Жабборов

М.Ү.

“Агрокимё станцияси” маъсулияти
чекланған жамият

Директори



 В.Мухиддинов

М.Ү.



20~~10~~ йил «30» июн

**5A410102 – Агрокимё магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва
ўкув режасини ишлаб чиқарувчи Ишчи гурӯҳ таркиби**

| | | | |
|------------------|--|--|---|
| t/p | Ишчи гурӯҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
| Раис: | | | |
| 1 | У.Д.Ортиков | Ўсимликлар химояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети декани, доцент қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди |  |
| Аъзолари: | | | |
| 1 | А.Холлиев | Ўсимликлар химояси, агрокимё ва тупроқшунослик факультети ЎУК раиси, ишчи гурӯҳ раиси ўринбосари |  |
| 2 | М.У.Каримов | Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди доцент |  |
| 3 | Д.А.Қодирова | Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти биология фанлари доктори |  |
| 4 | Д.У.Бурханова | Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси катта ўқитувчisi, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори (PhD) |  |
| 5 | Б.С.Касимов | Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси ассистенти |  |

Ўкув ишлари бўйича проректор

С.Я.Исламов



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|------------|---|---|
| шифри | номи | |
| 1 | 5410100 | <p>Агрокимё ва агротупроқшунослик</p> <p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилияtlарга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тупроқ хариталари ва агрокимёвий хаританомаларни тузиш ва улардан фойдаланиш; - ўғитлар ва хосилдорликни оширадиган кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этиш; - тупроқларни унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва оширишни режалаштириш ҳамда жорий қилиш; - йирик масштабли хариталар ва хаританомаларни тузиш; - минерал ва органик ўғитларни қўллаш низорат қилиш; - тупроқ изланиш ишлари натижасида тупроқ хариталари ва агрохимхаританомаларни ишлаб чиқиш; - ерларни баҳолаш бўйича йўрикномалар тузиш ва балл бонитетини белгилаш; - тупроқ-агрокимёвий лабораторияларда ишлаш; - қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни олиб бориш; - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртмаларини умумлаштириш йўли орқали минерал ўғитларга бўлган талабнинг ҳар йилги баҳоратларини шакллантиришда иштирок этиш; - сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, сув ва ер ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш; - агрокимёвий хаританомалар тузиш, тавсия бериш ва қишлоқ хўжалик экинлари учун ўғит қўллаш тизимини яратиш; - ўғит қўллаш жараёнида атроф мұхитни сақлаш ва экологик тоза маҳсулот ечишиши; - ўғит қўллашнинг смета ҳужжатлари ва шу каби бошқа касбий фаолият турларини бажариш; |

| | | |
|----|----------|--|
| | | <ul style="list-style-type: none"> - меңнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиши; - илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш; - муайян майдон тупроқларини агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича намунавий услублар асосида илмий изланишлар олиб бориш; - ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш; - илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш; - илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш; - инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишларнинг натижаларини намоиш этишда катнашиш; - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни бошқариш ва бошқа тузилмаларда ишлаш; - лойихалаш институтларида ишлаш; - лойихалаштиришда замонавий коммуникацион, информатика ва компьютер технологияларидан фойдаланиш. |
| 2. | 5A410101 | <p>Агротурокшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)</p> <p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўғитлар ва хосилдорликни оширадиган кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар мухофазасини ташкил этиш; - ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш; - илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиши; - илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш; - инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш; - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни бошқариш ва бошқа тузилмаларда ишлаш; - тупроқларни унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш; |

| | | |
|----|----------|--|
| | | <ul style="list-style-type: none"> - йирик масштабли мавзули хариталар (эрозияланиш харитаси, гумус билан таъминланиш харитаси, озиқа моддалар билан таъминланиш харитаси, шўрланиш даражалари бўйича хаританома ва бошқа)ларни тузиш; - минерал ва органик ўғитларни қўллаш бўйича агрокимёвий харитаграммаларни тузиш. - тупрок ресурсларини эрозия, шўрланиш, ботқоқланиш, ифлосланиш, зичланиш, дегумификация каби жараёнлардан сақлаш; - ўғитлар, стимуляция-препаратлари, кимёвий ҳимоя воситаларининг янги турларини жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган тупрок экспертизаларида қатнашиш; - муайян тупрок-икклим шароитларида янги ресурс тежамкор технологияларни қўллаш; - лойихалаш институтларида ишлаш; - лойиха-кидирув ишларини олиб бориш ва бошқа ишлар; - тупроқда илмий изланиш ишлари натижасида тупрок хариталари ва агрокимёвий харитономаларни ишлаб чиқиши; - ерларни баҳолаш бўйича йўриқномалар, илмий изланиш натижалар ва тупроқларнинг балл бонитетини белгилаш; - меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни сифатини назорат қилиш ва татбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; - маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - тупроқшунослик ва агрокимё фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўқув услугубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан кўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талabalар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услугубий хужжатларни тайёрлашни; - талabalар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак. |
| 3. | 5A410101 | Агротупроқшунослик |

| | | |
|--|--|---|
| | <p>ва агрофизика (тупрек бонитировкаси)</p> | <p>бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўғитлар ва хосилдорликни оширадиган кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этиш; - ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш; - илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш; - илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш; - инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш; - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни бошқариш ва бошқа тузилмаларда ишлаш; - тупроқларни унумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш; - йирик масштабли мавзули хариталар (эрозияланиш харитаси, гумус билан таъминланиш харитаси, озиқа моддалар билан таъминланиш харитаси, шўрланиш даражалари бўйича хаританома ва бошқаларни тузиш; - минерал ва органик ўғитларни қўллаш бўйича агрокимёвий харитаграммаларни тузиш. - тупроқ ресурсларини эрозия, шўрланиш, ботқоқланиш, ифлосланиш, зичланиш, дегумификация каби жараёнлардан сақлаш; - ўғитлар, стимуляция-препаратлари, кимёвий ҳимоя воситаларининг янги турларини жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган тупроқ экспертизаларида қатнашиш; - муайян тупроқ-икклим шароитларида янги ресурс тежамкор технологияларни қўллаш; - лойихалаш институтларида ишлаш; - лойиха-кидирув ишларини олиб бориш ва бошқа ишлар; - тупроқда илмий изланиш ишлари натижасида тупроқ хариталари ва агрокимёвий хаританомаларни ишлаб чиқиш; - ерларни баҳолаш йўриқномалари ва илмий изланиш натижалари бўйича тупроқларнинг балл бонитетини белгилаш; - меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни сифатини назорат қилиш ва татбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва заҳираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб |
|--|--|---|

| | | | |
|----|----------|----------|--|
| | | | <p>чикиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш; - маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - тупроқшунослик ва агрокимё фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машгулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик килишни; - ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машгулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талabalар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни; - талabalар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланишни; <p>ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</p> |
| 4. | 5A410102 | Агрокимё | <p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаш; - муайян майдон тупроқларини агрокимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича намунавий услублар асосида илмий изланишлар олиб бориш; - тупроқ хариталари ва агрокимёвий хаританомаларни тузиш ва улардан фойдаланиш; - экинларнинг озиқланиши, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш; - ўғитлар ва ҳосилдорликни оширадиган кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш ва тупроқлар муҳофазасини ташкил этиш; - ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳини ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш; - илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш; - илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш; - инновацион кўргазмаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш; - агрокимё соҳасида патентлар олиш бўйича буюртмалар тайёрлаш; - кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш ва бошқа тузилмаларда ишлаш; - тупроқлар унумдорлигини тиклаш, саклаш ва оширишни режалантириш ҳамда жорий килиш; - ўғитлардан оқилона фойдаланиш; - йирик масштабли хариталар ҳамда хаританомаларни тузиш ва бошқариш; - минерал ва органик ўғитларни қўллашни назорат қилиш; - кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришувчиларининг буюртмаларини умумлаштириш йўли орқали |

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>минерал ўғитларга бўлган талабнинг ҳар йилги прогнозларини шакллантиришда иштирок этиш, минерал ўғитларни тақсимланишининг ҳар йилги балансларини ишлаб чикиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - белгиланган назорат ва сигнал майдонларда агрокимё картограммаларни тузган холда, тупрок ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидағи оғир металлар, тузлар, пестицидлар ва чуқинди қолдиқлар тўпланган радионуклиидларни таҳлил қилиш; - тупрок ресурсларини эрозия, шўрланиш, ботқоқланиш, ифлосланиш, зичлашиш, дегумификация каби жараёнлардан сақлаш; - ўғитлар, стимуляция-препаратлари, кимёвий ҳимоя воситаларининг янги турларини жорий қилиш жараёнида амалга ошириладиган тупрок экспертизаларида қатнашиш; - муайян тупрок-иклим шароитларида ўғит қўллаш технологиясини замонавий хизматини ташкил этиш; - лойиҳалаш институтларида ишлаш; - лойиҳа-қидирув ишларини олиб бориш ва бошқа ишлар; - тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор, алмашинувчан калий ва гумус билан таъминланганлиги бўйича агрокимёвий хаританомаларни тузиш; - ерларни баҳолаш йўрикномалар бўйича балл бонитетини белгилаш; - тупроқлар унумдорлигини оширишнинг агрокимёвий ва агромелиоратив тадбирларини ишлаб чиқиши; - меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш; - ишлаб чиқариш фаолиятида бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш; - ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; - замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан бөглиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усувлари ва механизmlарини ишлаб чиқиши; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилинда иштирок этиш; - маҳсус фанларни ўқитиши методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришни; - агрокимё фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши. ўкувтаништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни; - ўкув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан кўлланмалар, тарқатма материаллар, ўкув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўкув услубий хужжатларни тайёрлашни; |
|--|--|--|

| | | | |
|--|--|--|---|
| | | | <ul style="list-style-type: none"> - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тұғри фойдаланиши; - үз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак. |
|--|--|--|---|

Қишлоқ хұжалиги вазирлиги ўкув юртлари
ва малака ошириш бўлими бошлиги

Давергеодезкадастр қўмитаси қошидаги “Тупроқ таркиби
ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” ДУК бош директори

“Агрокимё станцияси ” масъулияти чекланган жамият директори

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти директори
б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Жониколов

О.Жабборов

В.Мухиддинов

Ш.Бобомуродов



Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” сюнья 2020 йил

